

УЎК (UDC, УДК): 82-14:82-271:641.87 Навоий
DOI:

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ ЭРОН ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА



Парвиз Иноятиллаевич ИЗЗАТИЛЛАЕВ
Докторант (PhD)

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон
xusraveparviz@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада эронлик навоийшунослар, шу жумладан, Доктор Хусайн Муҳаммадзода Садикнинг Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлари кўриб чиқилган. Олимнинг Алишер Навоий асарларини нашрга тайёрлаш ва форсий тилга таржима қилиб, Эрон китобхоналарига етказишда амалга оширган ишлари кўрсатилган. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини нашрга тайёрлаш, “Мезон ул-авзон”ни форсий тилга таржима қилиш ҳамда туркий-форсий тиллардаги “Санглох” луғатини нашр эттириш ва таржима қилишдаги хизматлари таъкидланган.

Калит сўзлар: тадқиқот; таржима; нашр; Доктор Хусайн Муҳаммадзода Садик; Санглох; Мирзо Меҳдихон; Эрон навоийшунослик мактаби.

МНЕНИЯ ИРАНСКИХ УЧЕНЫХ О ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ

Парвиз Иноятиллаевич ИЗЗАТИЛЛАЕВ
Докторант (PhD)

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан
xusraveparviz@mail.ru

Аннотация

В статье рассматриваются исследования иранских ученых, в том числе профессора, доктора Хусайна Мухаммадзаде Садики, посвященные жизни и творчеству Алишера Навои. Автор показывает заслуги Хусайна Мухаммадзаде Садики в подготовке к публикации произведения «Муҳокамат ул-луғатайн» («Суждение о двух языках») и переводе трактата об арузе – «Мезон ул-авзон» Алишера Навои на персидский язык. Отдельно отмечается перевод и публикация тюркско-персидского словаря «Санглох».

Ключевые слова: исследование; перевод; издание; доктор Хусейн Мухаммадзаде Садик; Санглах; Мирзо Меҳдихан; школа навоиведения Ирана.

NAVOI'S CREATIVE ACTIVITY AT GLANCE OF IRANIAN SCIENTISTS

Parviz Inayatullaevich IZZATULLAEV
PhD researcher

Alisher Navoi Tashkent State University of Uzbek Language and Literature
Tashkent, Uzbekistan

xusraveparviz@mail.ru

Abstract

The article describes Dr. Hossein Mohammadzade Sadigh, an Iranian researcher on navoistudies, and his researches of exploring the life and activity of Navoi, his prepared works for publication or translated into Persian, including the publication of the work "Muhakamat ul-Lughatayn", his translation of the work "Meson ul-Avzon" into Persian, his published Turkic-Persian dictionary "Sanglakh" and his focus on his translations.

Keywords: research; interpretation; edition; Dr. Hussein Mohammadzadeh Sadik; Sanglah; Mirzo Mehdihan; Iranian School of Novelty.

Амир Алишер Навоий нафақат туркий, балки форсий халқлар орасида ҳам обрў-эътиборга эга бўлган мутафаккир шоирдир. Навоий туркий тил билан бир қаторда форсийда ҳам кўпгина асарлар ёзиб қолдирган. Шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги дастлабки маълумотларни биз энг аввал унинг ўз асарларидан оламиз.

Навоийшунос Ш. Сирожиддинов ўзининг "Навоий замондошлари эътирофида" китобида Навоий ижодини замондошлари хусусан, Абдурахмон Жомий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Камолиддин Ҳусайн Кошифий, Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний, Шамсиддин Муҳаммад Бадахший, Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Ҳусайний, Муҳаммад Аҳлий Шерозий, Камолиддин Биноий ва Ғиёсиддин Хондамир асарлари асосида тадқиқ қилган, бу китобни ўқиш давомида унинг замондошлари нақадар бу буюк зотдан илҳом олганликларини осонлик билан илғаш қийин эмас (9).

Эронлик адабиётшунос Забиҳулло Сафо қаламига мансуб "Эронда адабиёт тарихи" китобининг "Ҳижрий саккизинчи аср охири, ўнинчи аср бошига қадар яшаб ижод этган форсийгўй шоирлар" ҳақидаги фаслида Алишер Навоийга бир бўлим ажратилган, унда Алишер Навоий "Фоний" тахаллуси билан тилга олинади. Гарчи муаллиф туркий халқларнинг истеъдодли намояндаси Алишер Навоий ҳақида салмоқли тадқиқот олиб бормаган бўлсада, у ҳақда шундай дейди:

"عليثير مردى متواضع و با ادب و نيكو رفتار بود. با حلايق به مهربانى رفتار مى كرد و مخصوصاً با شاعران و اهل ادب و هنر معاشرت دائم داشت و در تربيت و تشويق آنان مبالغه ميكرد و محضرش محل اجتماع آنان بود. خود دوستدار هنر و هنرمند بود و خطاطان و نقاشان و مذهببان و موسيقى دانان در خدمتش قرب و منزلت بسيار داشتند و به همين سبب وجود او در رونق ادب و هنر در دوران سلطان حسين ميرزاي بايقرا تأثير فراوان داشت. و همگامى سلطان با وى در اين راه، هرات را در پايان قرن نهم و آغاز قرن دهم، به صورت يكى از بزرگترين مراكز ادب و هنر در آورد. كرم و ضعيف نوازى و خير و احسان او معروف است... وى در شعر تركى مقامى بس والا دارد به نحوى كه با وجود شاعران ديگر تركى گوى در اين عهد، او را بنيانگزار واقعى شعر تركى جغتاي (ازبكى) دانسته اند..."

Таржимаси: “Алишер камтар, одобли ва хушмуомала киши эди. Халойиққа меҳрибон бўлиб, айниқса, шоирлар, санъат ва адаб аҳли билан доимий алоқада эди ва уларни тарбиялаш ва тўғри йўлга ҳидоят қилишда бошқош бўлиб, уларнинг маҳфилларига тез-тез ташриф буюрарди. Ўзи санъатни, истеъдодли кишиларни севар, рассомлар, музаҳҳиблар ва созандалар унинг хизматида камарбаста ва унинг олдида ҳурмату эҳтиромга эга эдилар, шу сабабдан унинг борлиги Султон Ҳусайн Бойқаро замонидаги санъат ва адабнинг ривожланишига жуда катта таъсир қилди. Султоннинг бу йўлда унга эргашиши Ҳиротни ҳижрий IX асрнинг охири ва X асрнинг бошларида адабиёт ва санъатнинг катта марказларидан бирига айлантирди. Карамии ва заифларни қўллаб-қувватлаши билан машҳурдир... У шу даражада туркий шеърда юқори мақомга эга эдики, ўша давру замонда туркийгўй шоирлар анчагина бўлишига карамай, уни ҳақиқий туркий шеърятнинг асосчиси сифати тан олганлар... (3)”

Ўзбек китобхонлари кўпгина навоийшунослар ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари билан бирга, шу кунгача Эрон навоийшунослари ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслар. Бошқа халқлар каби эронликлар ҳам Навоий ижодига алоҳида ихлос билан қарайдилар. Эрон навоийшунос олимлари ва унинг асарлари таржимонлари сифатида Неъматии Лимойи, Меҳдий Қосимий, Муҳаммад Нахжавоний, Меҳди Фарҳоний Мунфарид, Али Асғар Ҳикмат, Рукниддин Ҳумоюнфаррух, Баҳман Акбарий ва Ҳусайн Муҳаммадзода Садиқни мисол қилиб келтириш мумкин. Айниқса, Ҳусайн Муҳаммадзода Садиқнинг хизматлари беқиёс.

Доктор Муҳаммадзода Садиқ 1945 йили 15 июнда Табриз шаҳрида Масжидоғо Мирали оиласида туғилган. Бошланғич таълимни шу шаҳарда олади. У Табриз университетининг адабиёт йўналишида таҳсил олаётган вақтида шу шаҳарнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплашни бошлайди. Унинг биринчи мақоласи “Митра фариштаси ва Меҳржон байрами” номи билан чоп этилди. 1968 йили “Янги аср” газетасининг масъул ходими, 1969 йилдан эса шу шаҳардаги ойда икки бора чиқадиган “Ҳунар ва ижтимоъ” нашрига асос солади ва уни бошқаради. Доктор Садиқ ёзган асарлари ва таржималарининг мавзу кўлами рангбарангдир. Унинг асарлари асосан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган (1).

У жуда кўп илмий-адабий асарлар, таржималар муаллифидир. Унинг аҳамиятга молик ишларидан бири Мирзо Меҳдихон Астрободийнинг “Санглох” тафсирий луғатини бошқа нусхалари билан солиштириб, айрим ўринларни ислоҳ қилиш билан нашрга тайёрлаганлигидир. Ушбу тафсирий луғат Амир Алишер Навоий шеърларидаги тушинилиши қийин сўзларни ўз

ичига олади. Бу луғатда туркий-чиғатойи сўзларнинг форсча эквивалентлари берилган. Бу китоб Мирзо Меҳдихон Астрободий томонидан 1758–1760 йиллари ёзилган, унда Навоий асарларида учрайдиган 6000 сўз ва 2500га яқин мисол ва шеърӣ парчалар келтирилган (1).

Астрободийнинг ёзиб қолдиришича, у Амир Алишер Навоийнинг ўн икки жилдлик назмӣ ва тўққиз жилдлик насрий асарларини мутолаа қилганидан сўнг “Санглох” луғатини ёзишга киришади.

“Санглох” уч қисмдан таркиб топган. “Мабоний ал-луғат” деб номланган биринчи қисм муқаддимасида муаллиф ўзи ҳақида, китобнинг ёзилиш тарихи ва туркий-чиғатойи тили грамматикаси, хусусан, “мубано”, “боб”, “қоида” ва “жузь”лар устида баҳс-мунозара юритади.

Иккинчи қисмда эса “Санглох”нинг асосий матни алифбо тарзида берилган. Дастлаб у алифбо тартибида “китоб”га бўлинган бўлиб, ўз навбатида ҳар бир китоб қуйидаги бобларга бўлинган:

1. Боб ул-мафтуҳот.
2. Боб ул-максурот.
3. Боб ул-мазмумот.

Бу қисмларнинг ҳар бири ўз ўрнида араб алифбоси тартибида берилган – аввал феълларнинг масдарлари, сўнг улар асосида ясалган сўзлар бериб борилган.

Учинчи қисм “тазийл” деб номланган бўлиб, Навоий асарларида ишлатилган арабча ва форсча сўзларни ўз ичига олади. Муаллифнинг таъкидлашича, олдинги луғатнавислар томонидан ушбу бобларга етарлича изоҳ ва тушунтиришлар берилмаган. Тазийлдаги биринчи киритилган сўз “Оби оташранг” бўлиб, “шароб” дея изоҳланган.

Мирзо Меҳдихон муқаддимада Навоий асарларига қўшимча Лутфий Ҳиравий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Бобур девонлари, “Бобурнома” ва чиғатой тилидаги “Калила ва Димна”дан фойдаланганлигини эслатиб ўтади.

Бу асарни Эрон маданияти тарихида муҳим аҳамият касб эган, дейиш мумкин. Ушбу луғат нойиб ус-салтана Аббос мирзо таклифи билан Ҳаким Муҳаммад Хуӣ томонидан ниҳоясига етказилган ва “Хулосаи Аббосий” номи билан шуҳрат қозонган (6).

Туркча-форсча луғат – “Санглох”нинг Муҳаммадзода Садиқ саъй-ҳаркатлари билан нашр этилиши Эрон адаб аҳли томонидан илиқ кутиб олинди.

Доктор Садиқ Алишер Навоийнинг Турхон Ганжавий томонидан форс тилига ўгирилган маълуму машҳур “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини нашрга тайёрлаб, 2009–2010 йиллари Табриздаги “Ахтар” нашриётида чоп эттирди.

Навоийнинг бу асарида туркий ва форсий тилларнинг имкониятлари ва афзалликлари солиштирилган. Бу асар матни 1841 йили Парижда, 1917 йили Қуқонда, 1925 йили Ишқободда ва 1948-1949-йиллари Турхон Ганжавий томонидан форс тилига таржима қилинган варианты Техронда чоп этилган (7). Унгача шайх Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Дивони луғот-ат-турк” асарини ёзиш билан турк ва араб тилини юзма-юз қўйиб, уларнинг имконият ва афзалликларини очиб берди...(2) Тўрт асрдан сўнг Алишер Навоий ўзининг ушбу асари билан бу тилшунослик баҳсини бошқа тил, яъни форс тили мисолида давом эттирди.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг тартиб рақамсиз ва кўчирилган санаси кўрсатилмаган қўлёзма нусхаси Табриздаги “Сақит ул-ислом” кутубхонасида сақланиб келинмоқда ва у “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Ал-муҳокамат байн ал-луғатайн” деб ҳам юритилади.

Хусайн Муҳаммадзода Садиқ Амир Алишер Навоийнинг яна бир асари – “Мезон ул-авзон”ни форс тилига таржима қилиб, 2013 йилда Техрондаги “Такдерахт” нашриётида чоп эттирди.

Китоб мундарижасидан сўнг олим туркча матнлар ўқилишини осонлаштирадиган “транскрипция” – жадвал тузган. У бу китобнинг туркийча сўзларига айрим ўзгартиришлар киритади ва форсча ҳамда арабча сўзларни иложи борича аслига тўғри ёзишга ҳаракат қилади. Шундан сўнг Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ёритиб, унинг қандай қилиб сиёсий ҳаётга киришидан тортиб то Хуросонда қурдирган бинолари ва хизматлари ҳақида батафсил маълумот беради. Навоий ва Жомийнинг дўстлигига алоҳида тўхтаб, дўстларнинг бир-бирини мадҳ қилган шеърларидан парчалар келтиради. Муаллиф Навоийнинг форсий девонида форсий мақоллардан фойдаланганлигини алоҳида қайд этади:

هنوز از دهننت بوی شیر می آید! حلال گشت به چشم تو خون من گرچه،

Мазмуни: “Тарчи (сенингча) менинг қоним сен учун ҳалол бўлди, аммо ҳалигача оғзингдан сут хиди келадур.”

Бу мақол ҳозиргача форсий халқлар томонидан бировга “ақл” ўргатган, ўзини баланд тутган кишиларга нисбатан ишлатилиб келинади. Ёки:

ساده دل واعظ، که گوید هر چه آید بر زبانش، ساده تر آنان که این افسانه باور می کنند!

Мазмуни: “Соддадил воиз тилига келган нарсани айтиб юраверади, улардан-да соддароқлар эса бу афсонага ишониб юраверадилар (4).”

Дастлаб 1993 йили доктор Камол Арслон бу китобнинг етита асл туркий-чиғатойи нусхаларини солиштириш асосида Анқарада чоп этиради. Ўша китобнинг нусхаларидан бири 237-чи тартиб рақами остида Техрон марказий

кутубхонасида сақланмоқда. Доктор Садиқ асарнинг қўлёзма нусхалари билан бирга Анқарада чоп этилган нусхадан фойдаланган ҳолда, баъзи ўзгартиришлар билан ушбу асарни форс тилига таржима қилган. Таржима борасида унинг ўзи шундай ёзади:

"ترجمه ی فارسی این جانب متکی به آیین متن است و سعی کرده ام در آن شیوه ی نگارش امیر علیشیر نوایی را حفظ کنم."

Таржимаси: "Форсча таржима ҳам ушбу матнга таянган ҳолда амалга оширилди ва унда Амир Алишер Навоийнинг ижод услубини иложи борича сақлашга ҳаракат қилинди (4)."

"Мезон ул-авзон" асарининг икки нусхаси Эронда сақланади. Бири Техрон миллий китобхонасида 5/1604 рақами остида, иккинчиси Техрон университетининг адабиёт факултети китобхонасида 1/237 рақами остида сақланиб келинмоқда.

Хулоса ўрнида эронлик адабиётшунос Забиҳулло Сафо қаламига мансуб "Эронда адабиёт тарихи" китобининг "Ҳижрий саккизинчи аср охири, ўнинчи аср ўрталарига қадар яшаб ижод этган форсийгўй шоирлар" ҳақидаги фаслида, Алишер Навоийга ажратилган алоҳида бўлимда билдирган фикрларини келтирамиз. Гарчи муаллиф туркий халқларнинг истеъдодли намояндаси Алишер Навоий ҳақида салмоқли тадқиқот олиб бормаган бўлсада, у ҳақда шундай дейди:

"علیثیر مردی متواضع و با ادب و نیکو رفتار بود. با حلايق به مهربانی رفتار می کرد و مخصوصاً با شاعران و اهل ادب و هنر معاشرت دائم داشت و در تربیت و تشویق آنان مبالغه میکرد و محضرش محل اجتماع آنان بود. خود دوستدار هنر و هنرمند بود و خطاطان و نقاشان و مذهببان و موسیقی دانان در خدمتش قرب و منزلت بسیار داشتند و به همین سبب وجود او در رونق ادب و هنر در دوران سلطان حسین میرزای بایقرا تأثیر فراوان داشت. و همگامی سلطان با وی در این راه، هرات را در پایان قرن نهم و آغاز قرن دهم، به صورت یکی از بزرگترین مراکز ادب و هنر در آورد. کرم و ضعیف نوازی و خیر و احسان او معروف است...وی در شعر ترکی مقامی بس والا دارد به نحوی که با وجود شاعران دیگر ترکی گوی در این عهد، او را بنیانگزار واقعی شعر ترکی جغتای (ازبکی) دانسته اند..."

Таржимаси: "Алишер камтар, одобли ва хушмуомала киши эди. Халойиққа меҳрибон, айниқса шоирлар, санъат ва адаб аҳли билан доимий алоқада эди ва уларни тарбиялаш ва тўғри йўлга хидоят қилишда бош-қош бўлиб, уларнинг маҳфилларига тез-тез ташриф буюрарди. Ўзи санъат аҳлини, истеъдодли кишиларни севар, рассомлар, музаҳҳиблар ва созандалар унинг хизматида камарбаста ва унинг олдида ҳурмату эҳтиромга эга эдилар, шу сабабдан унинг борлиги Султон Ҳусайн Бойқаро замонидаги санъат ва адабиётнинг ривожланишига жуда катта таъсирга қилди. Султоннинг бу йўлда унга эргашиши Ҳиротни ҳижрий IX асрнинг охири ва X асрнинг бошларида

адабиёт ва санъатнинг катта марказларидан бирига айлантирди. Карам ва заифларни қўллаб-қувватлаши билан машҳурдир...У шу даражада туркий шеърда юқори мақомга эга эдики, ўша давру замонда туркийгўй шоирлар анчагина бўлишига карамай, уни ҳақиқий туркий шеърятнинг асосчиси сифати тан олганлар... (3)”.

Дарҳақиқат, Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, унинг ёзган асарларини форс тилига таржима қилиб, Эрон китобхонларига етказишда Муҳаммадзода Садиқнинг хизматлари беқиёс. Сўнгги йиллари Эронда Навоий асарларига бўлган қизиқишнинг ортиб бориши, Эрон навоийшунослик мактабининг янада кенгайишига замин ҳозирламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Доктор حسين محمدزاده صديق، سيد احسان شکرخدایي، بیست خطابه ی ادبی، تهران، س. 2014.
2. نوایی، امیر علیشیر، محاکمه اللغتين، تصحيح، ترجمه و مقدمه دکتر م. صديق، تبریز، اختر، 1388.
3. صفاء، ذبیح الله. تاریخ ادبیات در ایران، تهران ریال، امیر کبیر، 1361 هـ.
4. نوایی، امیر علیشیر، میزان الاوزان، تصحيح متن ترکی جغتایی (از بکی) و ترجمه به فارسی و مقدمه: دکتر ح. م. تکدرخت، تهران.
5. میرزا مهدی خان استر آبادی، سنگلاخ، تعلیقات و فهارس از دکتر م. صديق، اختر، تبریز، س 2016.
6. خویی، حکیم محمد. خلاصه ی عباسی، مقدمه و تصحيح: دکتر حسین محمدزاده صديق، تبریز، نشر یاران، 1377.
7. شگفته، صغری بانو. شرح احوال و آثار فارسی امیر علیشیر نوایی، تهران، الهدی، 1384.
8. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами (Ўн жилдлик). 10-жилд. –Тошкент: Гафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 684 б.
9. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – 64 б.

REFERENCES

1. Duktur Huseyn Muhammadzoda Sadiq, Sayid Ehson Shukrxudoyi, *Bist xetobeye adaby*, (Twenty literary letters), Tehron, 2014, 400 p.
2. Navoyi, Amir Alishir, *Mo' hokamat ul-lug' atayn* (Jadgment of Two Language), Tabriz: Akhtar, 1388, 216 p.
3. Safo, Zabiho' lloh, *Torixe adabiyot dar Iron* (History of literature in Iran), Tehran: Amire Kabir, 1361, 716 p.
4. Navoyi, Amir Alishir, *Mizon o' l-avzon* (Mizan-ul-avzan), Tehran: Tekderaxt, 1393, 200 p.
5. Mirzo Mehdixon Astrobodi, *Sanglox* (Sanglakh), Tabriz: Akhtar, 2016, 1437 p.
6. Xuyi, Hakim Mo' hammad, *Xo' loseye Abbosi*, (Xoloseye Abbasi), Tabriz: Yaran, 1377, 215 p.
7. Shegefte, So' g' robonu, *Sharhe ahvol va osore forsiye Amir Alishir Navoyi* (Biography and farsi works of Emir Ali Shir Navo' i), Tehran: Alhoda, 1384, 413 p.
8. Alisher Navoiy. *Full collection of works (ten volumes). Vol. 10*, Tashkent: Gafur Gulom, 2013, 684 p.
9. Sirojiddinov Sh. *Navoiy zamondoshlari e' tirofida*, (Confessing Navo' i by his contemporaries), Samarkand: Zarafshan, 1996, 64 p.